

## «Мавлид табриги ва Расулуллоҳ — гўзал хулқ соҳиби» мавзусидаги суҳбатга марҳабо!



10:08 / 21.09.2023 1517

Содиқ Пайғамбарнинг севикли умматлари, аввал хабар берганимиздек, мавлид ойи муносабати билан «Расулуллоҳ — тинчлик элчиси» шиори остида сийрат суҳбатлари ўтказилиши эълон қилинган эди.

Бугун, 2023 йил 21 сентябрь пайшанба куни шом намозидан сўнг илк сийрат суҳбати бошланишини маълум қиламиз.

Илк суҳбатни Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Абдуқаҳҳор домла Юнусов «Мавлид табриги ва Расулуллоҳ — гўзал хулқ соҳиби» мавзусида қилиб берадилар.

Сийрат суҳбатида аёллар учун ҳам масжидда шароит ҳозирланган.

Барча диндошларимизни файзли, илму ирфон мажлисига таклиф этамиз!